

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ- ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Худайназаров Фахритдин Хайтович

Термиз иқтисодиёт сервис университети

2-босқич магистранти

+998972441967

faxriolam@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнлари, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнесни рақамлаштириши ва инновацион ривожланиши масалалари таҳлил қилинганд. Шунингдек, давлат томонидан қабул қилинганд норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган мақсадли қўрсаткичлар ва уларга эришиши механизмлари ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли трансформация, Инновацион ривожланиши, Кичик бизнес, Рақамли инфратузилма, Бизнес портал, Электрон платформа, Давлат қўллаб-қувватлаши, Инновацион марказлар, Венчур молиялаштириши, Рақамли хизматлар.

НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Худайназаров Фахритдин Хайтович

Термезский университет экономики и сервиса

магистрант 2-го курса

+998972441967

faxriolam@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются процессы цифровой трансформации в Узбекистане, реформы, осуществляемые в рамках стратегии "Цифровой Узбекистан — 2030", вопросы цифровизации малого бизнеса и инновационного развития. Также освещены целевые показатели, установленные на основе принятых государством нормативно-правовых документов, и механизмы их достижения.

Ключевые слова: Цифровая трансформация, Инновационное развитие, Малый бизнес, Цифровая инфраструктура, Бизнес портал, Электронная платформа, Государственная поддержка, Инновационные центры, Венчурное финансирование, Цифровые услуги.

REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ENTITIES BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

Khudaynazarov Fakhritdin Khaitovich

Termez University of Economics and Service

2 st year master's student

+998972441967

faxriolam@gmail.com

ABSTRACT

The article analyzes the processes of digital transformation in Uzbekistan, reforms implemented within the framework of the "Digital Uzbekistan — 2030" strategy, issues of small business digitalization and innovative development. It also highlights the target indicators established based on regulatory legal documents adopted by the state and mechanisms for achieving them.

Keywords: Digital transformation, Innovative development, Small business, Digital infrastructure, Business portal, Electronic platform, State support, Innovation centers, Venture financing, Digital services.

КИРИШ

XXI аср глобал иқтисодиёти тизимли равища янги - рақамли трансформация босқичига қадам қўймоқда. Бу жараён дунё мамлакатларини технологик модернизация ва институционал ислоҳотлар ўтказишга унданмоқда. Замонавий рақамли технологиялар иқтисодий тизимларнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб бормоқда, анъанавий бизнес моделлари ва бошқарув тизимларини тубдан ўзгартирмоқда. Натижада, миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлиги тобора қўпроқ уларнинг рақамли салоҳияти ва инновацион ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ҳам глобал рақамли трансформация жараёнларидан четда қолмасдан, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва рақамлаштириш бўйича кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширмоқда. Хусусан, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот тизимларини яратиш ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича

изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва инновацион ривожланиш стратегиялари орқали мамлакатимизда барқарор ва инновацион тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнларининг назарий-методологик асослари, ҳуқуқий-меърий базаси ва амалий натижалари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида, айниқса, кичик бизнес субъектларини рақамлаштириш борасида қабул қилинган муҳим қарорлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва кутилаётган натижалари батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда инновацион ривожланишни таъминлаш, илмий салоҳиятни ошириш ва рақамли инфратузилмани такомиллаштириш борасида белгиланган устувор вазифалар ва мақсадли кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Мақолада келтирилган таҳлилий маълумотлар, статистик кўрсаткичлар ва илмий хуносалар Ўзбекистонда олиб борилаётган рақамли трансформация жараёнларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва истиқболдаги вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини такомиллаштириш ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланилиши мумкин.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Украиналик иқтисодчи В. П. Вишневский “Тўртинчи саноат инқилоби шароитида рақамли иқтисодиёт: имкониятлар ва чекловлар” мақоласида: солиқ маъмуриятчилигининг янги рақамли технология усуллари туфайли 2016-2018 йилларда солиқ тушумлари иқтисодий ўсишдан ҳам юқори бўлганини таъкидлайди.[1]

М. Баланова, Россия Федерациясида ҳам рақамли иқтисодиёт ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинганини айтиб ўтади.[2]

Ўзбекистонлик олимлардан П.З.Хашимов, З.Фахриддиновалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон Қарори қабул қилингани, қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг, смарт контрактлар, консалтинг, эмиссия, айирбошлиш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг, шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни

тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назарда тутилганини таъкидлаб ўтишган.

А.Кадиров, А. Ахмедиева, Б. Маъмуровлар мамлакатимиз рақамли иқтисодиётини:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 феврал ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони”

2. “2018 йил 3 июл ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори”

3. “2018 йил 2 сентябр ПҚ-3927-сон «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори”

4. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 майдаги 421-сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ҳисобидан аҳолига давлат хизматларини қўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори”

5. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тартибга солувчи ҳуқуқий асос эканини таъкидлашган.[4]

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мавзуни илмий тадқиқ қилишда тарихий-мантиқий таҳлил ва тадқиқотларни ўз ичига олган тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстраксия каби ёндашувлар қўлланилган. Мақолада мамлакат миллий иқтисодиётидаги аҳамияти қўриб чиқилади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рақамли технологиялар асосида ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мавзусини ўрганиш турли хил ёндашувлар, жумладан қиёсий таҳлил, иқтисодий таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлашни ўз ичига олади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий иқтисодий тизимларнинг глобал ривожланиш тенденциялари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон иқтисодиёти тизимли равишда рақамли трансформация босқичига ўтмоқда. Мазкур жараён турли минтақаларда нотекис тақсимланган бўлиб, унинг суръати мамлакатларнинг технологик

салоҳияти ва институционал ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда.

Иқтисодий глобаллашув шароитида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар рақамли трансформация стратегияларини имплементация қилиш орқали қўйидаги стратегик мақсадларга эришишга интилмоқда:

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш;
- халқаро ва ички бозорларда мустаҳкам позицияларни эгаллаш;
- маҳсулот ва хизматларнинг рақобат устунликларини таъминлаш.

Давлатнинг регулятор сифатидаги роли икки йўналишда намоён бўлмоқда:

1. Иқтисодий самарадорликни ошириш орқали трансакцион харажатларни камайтириш;

2. Инвестицион муҳитни яхшилаш орқали рақамли технологияларга йўналтирилган тўгридан-тўгри хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш.

Рақамли трансформациянинг методологик асослари қўйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- корхоналарнинг бизнес жараёнларига инновацион технологияларни интеграциялаш;

- замонавий техник ва дастурий таъминотни жорий этиш;
- бошқарув тизимида парадигмал ўзгаришларни амалга ошириш;
- корпоратив маданиятни трансформация қилиш;
- ички ва ташки коммуникацион тизимларни модернизация қилиш.

Мазкур методологик ёндашувларнинг амалий натижалари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- қарор қабул қилиш жараёнларининг оптималлашуви;
- бозор конъюнктурасига адаптация механизmlарининг такомиллашуви;
- истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш даражасининг ошиши.

Шундай қилиб, рақамли трансформация - бу мураккаб кўп қиррали жараён бўлиб, у нафақат технологик, балки институционал, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳам талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг рақамли трансформация йўлида туб бурилиш нуқтасида турибди. Бу ўзгаришлар оддийгина ислоҳотлардан иборат эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [5] ҳамда “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг

“яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароримамлакатнинг келажак қиёфасини белгилаб берувчи хуқуқий хужжатга айланди. [6]

Инновацион ривожланиш эса бу икки йўналишнинг муҳим кесишув нуқтасига айланди. Президентнинг “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу учта фармон ва қарор мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш бўйича хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. [7]

Ривожланган давлатлар тажрибаси ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда, мамлакатимиз иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш сари интилмоқда. Бу жараён чуқур ва тизимли ўзгаришларни талаб этадиган мураккаб трансформациядир.

Рақамли технологиялар, “яшил” иқтисодиёт ва инновацион ривожланишнинг уйғун бирлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2023 йилда ПҚ-306-сон “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Давлат раҳбарининг топшириғига биноан рақамли инфраструктура модернизация қилинади, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилади. Унга кўра, комплекс хизматлар тизими яратилади, тадбиркорларга барча хизматлар бир марказдан кўрсатилади, молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш механизмлари такомиллаштирилади.

Дастурнинг молиявий таъминоти.1-жадвал

ДАСТУРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ (2023-2026 йй.)	
Молиялаштириш манбаси	Ажратилган маблағ
Давлат маблағлари	6 триллион сўм
Халқаро молия институтлари	1.2 миллиард АҚШ доллари

Манба муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Дастур, 2023-2026 йиллар учун 6 триллион сўм давлат маблағлари, 1.2 миллиард АҚШ доллари халқаро молия институтлари маблағлари билан таъминланади. Қарорда тадбиркорлик субъектларини рақамлаштириш бўйича бир қанча муҳим йўналишлар белгиланган. Жумладан: Бизнесни ривожлантириш банки З ой ичидаги Бизнес портални ишга туширади. Бизнес жараёнларини автоматлаштириш назарда тутилган, Халқаро молия институтларининг техник кўмаги жалб этилади.

2024 йил 1 январгача Бизнес порталга қўйидаги идоралар уланади:

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;
- Адлия вазирлиги;
- Солиқ қўмитаси;
- Божхона қўмитаси;
- Марказий банк;
- Бошқа вазирлик ва идоралар;

Рақамли хизматлар турлари.2-жадвал

РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИ	
Хизмат йўналиши	Хизмат турлари
Электрон хизматлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ариза бериш • Ҳужжат айланиши • Масофавий консультация
Молиявий хизматлар	<ul style="list-style-type: none"> • Банк хизматлари • Гаровсиз кредитлар • Имтиёзли молиялаштириш
Маслаҳат хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> • Бепул юридик маслаҳат • Бизнес кўнікмаларини ошириш • Бозор конъюнктураси маълумотлари

Манба муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Тадбиркорларга қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

- “Ягона дарча” тизими орқали узлуксиз хизмат;
- Онлайн банк ва консалтинг хизматлари;
- Бозор конъюнктураси ҳақида маълумотлар;

“Рақамли трансформация маркази” ДУК қайта ташкил этилиб, электрон платформа орқали мониторинг тизими йўлга қўйилади ҳамда скоринг баҳолаш тизимини жорий этилган рақамли инфратузилма тузилади. Электрон ариза

бериш имконияти, электрон хужжат айланиши, масофавий консультация хизматлари ташкил этилади.

Бу чора-тадбирлар кичик бизнес субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш ва тезлаштириш, шаффофликни ошириш ҳамда бюрократик тўсиқларни камайтиришга қаратилган.

Қарор кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги:


1. Дастурда қатнашиш ва молиявий-маслаҳат хизматларидан фойдаланиш;
2. Камида 1 йиллик фаолият, белгиланган сондаги ходимлар ва скоринг баҳолаш;
3. Гаровсиз ва имтиёзли кредитлар, давлат қўмаги;
4. Грантлар, давлат мулкидан фойдаланиш, бепул ҳуқуқий маслаҳат;
5. Лойиҳаларни танлаш, молиялаш ва назорат механизмлари каби асосий ҳуқуқий меъёрларни белгилайди.

Қарор норматив-ҳуқуқий хужжат сифатида, тўғридан-тўғри амал қиласди, мажбурий кучга эга, Давлат органлари учун ижро этиш мажбурий, барча ҳудудларда бир хил амал қиласди. Бу қарор кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солувчи ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий хужжат ҳисобланади.

Президентнинг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” [8] фармонида қуйидаги: 2026 йилгача Ўзбекистон Глобал инновацион индекс рейтингида 56-ўринга кўтарилиши, инновацион ривожланиш стратегияси доирасида иқтисодиётни рақамлаштириш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш каби асосий мақсадлар, инновацион инфратузилмани ривожлантириш, давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеснинг инновацион фаоллигини ошириш, янги технологияларни яратиш ва жорий этиш, инновацион таълимни ривожлантириш каби стратегиянинг устувор йўналишлари асосий вазифа сифатида белгилаб берилган.

Асосий мақсадли кўрсаткичлар (2022-2026). 3-жадвал

Асосий мақсадли кўрсаткичлар (2022-2026)



Манба муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Натижада:

- Инновацион фаол корхоналар сони 613 тадан 2250 тагача етказилади;
- Инновацион инфратузилма субъектлари 3 баравар кўпаяди;
- Янги иш ўринлари 4 баравар ошади;
- Илмий ишланмалар сони 2 баравар кўпаяди;

Худудий кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Андикон шаҳри кесимида (2026). 4-жадвал



Манба муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

- Ҳар бир ҳудудда инновацион марказлар (494 та);
- Технологик инновацияларни ўзлаштирган корхоналар (600 та);
- Янги технологиялар (384 та);
- Патентлар (184 та);
- Инновацион стартаплар (1437 та)га етказилади.

Давлат улуши 50% дан юқори бўлган компанияларда инновацион жамғармалар ташкил этилади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш механизими такомиллаштириллади. Венчур молиялаштириш механизмлари, “Тармоқ-ҳудуд-илмий/олий таълим ташкилот” занжирини яратилади. Ҳудудларда инновацион ривожланиш масалалари бўйича ҳоким ўринbosари лавозимини жорий этилиб, инновацион инфратузилма шакллантириллади. Мазкур фармон мамлакатимизни 2026 йилгача инновацион ривожлантиришнинг аниқ мақсад ва механизмларини белгилаб берадиган стратегик ҳужжат ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойикдир. Рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектларини молиявий, институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган. Хусусан, давлат хизматларини рақамлаштириш, марказлашган хизмат кўрсатиш платформалари ва янги инфратузилма лойиҳалари йўлга кўйилмоқда. Ушбу ўзгаришлар, рақамли трансформацияни таъминлаш учун қўлланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда, Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистонда кичик бизнесни рақамли технологиялар орқали ривожлантиришни тезлаштириш ва қўллаб-қувватлаш учун куйидаги қонунчилик ва мейъори ҳуқуқий ҳужжатлар ислоҳотларини киритиш мумкин:

- Кичик бизнес учун рақамли инфратузилмани яратиш ва модернизация қилиш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва субсидиялар ажратиш.
- Кичик бизнесга осон ва хавфсиз тўловлар учун электрон тўлов тизимларини қонунийлаштириш ва уларга қўйиладиган талабларни камайтириш.
- Кичик бизнес учун рақамли технологиялар бўйича ўқув дастурларини молиялаштириш ва бепул таълим дастурларини ишга тушириш, жумладан, рақамли маркетинг, онлайн савдо ва электрон тижорат бўйича курслар ташкил қилиш.

Бу таклифлар кичик бизнесларни рақамлаштиришни қўллаб-куватлаш ва жаҳон бозорларига чиқишини енгиллаштиришга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Вишневский В. П. (2019) Цифровая экономика в условиях четвертой промышленной революции: возможности и ограничения. Вестник Санкт-Петербургского университета. Экономика. Т. 35. Вып. 4. С. 606–627. <https://doi.org/10.21638/spbu05.2019.406>.
2. Balanova, Milena. (2021). Влияние цифровизации на экономический рост стран на примере России и Китая. Economics. 62. Pp. 83-91. 10.31429/2224042X_2021_62_83.
3. Хашимов Пазлиддин Зукирович, Фахриддина Заринабону Фахриддин Қизи. "ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ" Экономика и финансы (Узбекистан), но. 3 (135), 2020, pp. 157-164.
4. Кадиров, Абдурашид & Ахмедиева, Алия & Маъмуро, Бахтиёр. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 1. 183-190. 10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss3-pp183-190.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” <https://lex.uz/docs/5030957>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 02.12.2022 йилдаги ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” <https://lex.uz/docs/6303230>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 06.07.2022 йилдаги ПҚ-307-сон “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” <https://lex.uz/uz/docs/6102466>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сон “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” <https://lex.uz/docs/6102462>